

ЎЗ КЕЛАЖАТИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Президент Ислон Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари



Da'vat

Жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йулидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади.

Ислон КАРИМОВ

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 3 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 9-10 (7104)

Ibrat

Халқ таълими вазирлиги, «Амерозиндустри» Ўзбекистон - Америка қўшма корхонасининг ёрдами билан Навоий шаҳридаги 1-гимназия, Нурута ва Хатирчи туманларидаги иккита таянч мактаби, Томди, Конимех туманлари, Зарафшон шаҳридаги умумтаълим мактаблари компьютер билан жиҳозланди.

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

• **«Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси эълон қилинди.**

• **Тошкентда Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш тўғрисидаги битми лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг навбатдаги сессияси ўз ишнини бошлади.**

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар ходимларга қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини ўқитиш бўйича иккинчи босқич таълими бошланди.**

• **АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Сербия ва Косово ҳукуматлари можазони тинч йўл билан ҳал этмасалар, НАТО томонидан амалга ошириладиган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишга тайёр эканликларини билдиришди.**

• **Туркия бош вазири Эжеват Курдистон ишчи партияси раҳбари Ожалан ҳозирги пайтда Италияда турибди, бу ҳақида қуни кеча ахборот олинганлигини айтди.**

• **Кора танли халқлар тенглиги учун курашган ҳамда бу борадаги фаоллиги учун ЖАР Президенти Нелсон Мандела Германия оммавий ахборот воситалари мукофотиغا сазовор бўлди.**

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИДАН

Маълумингизким, таълим тизими ислохотининг бир унсури сифатида ҳозирда ўқувчилар билим сифати даражаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими таъриба-синов сифатида қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203 сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 7-бандига асосан, Халқ таълими вазирлиги томонидан бу тизимни жорий этиш билан боғлиқ барча қонуний, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

лиги томонидан бошланғич, яъни 1-4 синф ўқувчилари билим даражаларини назорат этишнинг рейтинг тизими ҳам тайёрлана-япти. Албатта бошланғич таълим ҳам ҳусусиятлар болаларнинг бу давридаги ёш хусусиятлари, уларни баҳолашга қўйиладиган талабларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ишланаётган содда-лаштирилган варианты яқин кунларда муҳокама учун бошланғич синф ўқувчилари ҳуқуқи ҳавола этилади.

Шу билан бирга эълон қилинган Низомдаги асосий жиҳатлар ўз қучида қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ХАЛҚАРО «КУРАШ» АССОЦИАЦИЯСINI ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

Миллий кадрятларни, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм гояларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олинганлиги муносабати билан халқаро «Кураш» ассоциациясининг жаҳон миксидидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жаҳоннинг 28 та мамлакатини вақилларининг ташаббуси ва бево-сита иштирокида халқаро «Кураш» ассоциацияси ташкил этилганлиги эътироф этилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда халқаро «Кураш» ассоциацияси бош қароргоҳини жойлаштириш учун алоҳида бино ажрати-б, уни ассоциацияга балансига ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мо-лия вазирлиги халқаро «Кураш» ас-социациясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вази-рлар Маҳкамасининг захира жамғар-масидан унинг ҳисоб рақамига ўн миллион сўм микдоридан маб-лағ ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1999 йил 1 февраль

ИФТИХОР (Бухоролик самбо бўйича Жаҳон кубоги совриндори, Жаҳон ва Осиё чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Шухрат Хўжаевга)

Бир қарашда «ифтихор» сўзи анча-мунча чайнавери, беҳолроқ бўлиб қолган сўзга ўхшайди. Ҳа, ўша собиқ империя даврида «оқ олтин»имиз — пахтага нисбат бериб — «пахта — ўзбек халқининг ифтихори» дея ҳис-сиз айтилавериш шундай нозик, жо-зибадор сўзни ҳам оғир трактор пай-ҳон қилиб ўтган гўза тупидек пачақза-да қилиб ташлади. Сувсизликдан «сўлаг» оқиб ётган «ифтихоримиз» шу камқон сўзнинг ўзинигина бизга қол-дириб, чет эл миксидида ифтихорлик-ни ўзгаларга кўпроқ олиб берди. Унинг юрти, макони, яратувчиси де-ярли эсдан чиқарилди.

Назаримда, мустақиллик туфайли ифтихор қаддини ростлади. Унинг иссиқ, тафтли юрти яратувчилари ўзларининг ҳақиқий фуқаролик шаҳо-датномаларига эга бўлдилар. Ифти-хор ота юртига қайтди. Президентини-мизнинг отасига раҳмат. Энг нозик жойлардан яна бирини ўзларининг зукколик, орифлик одатларига хос вақтида илғадилар. «Ўзбекистон иф-тихори» фахрий унвонининг таъсис этилиши аввало ифтихор сўзининг ў-зини узоқ мудроқликдан, қарахлик-дан, лажжликдан уйғотиб юборди. Сўнг унинг жарангосини, яна аникро-сини, унинг ўзбекона фахр даражасида эканлигини, кўрак кериб айтиш му-кинлигини аналтди. Фармондан сўнг бу сўзнинг юзига қон югурди, тетик-лашгани сезилди. Чўл жазирамасида

қайноқ кум устида аробадан тушиб қолган беда гулидек қовхираб кўринган бу сўз илдизига булоқ суви теғди. Бўйчан, бели қувватли, ни-гоҳи кескир, вази тош босадиган сўзга айланди — ИФТИХОР.

Бир вақтлар кўкрагига СССР де-ган ёзув туширилган майкада кураш тушиб, не-не жаҳон паҳловоларини бир силташда енгиб, курагини ерга теккизиб кўрсатган ўзбек ўғло-ни Собир Қурбонов — бу ёзув э-галарининг баъзи курашлардаги но-хотисликларидан сал нолиб гапир-ган эди. Жаҳон чемпиони номини олишга бир баҳа қолганда рус пол-вони Курицинга очколар ҳисобида «голиблик» олиб берилиши ҳакам-ларда аканнинг ёқасини ушлаган ука-дех ёқмаганлигининг аламли аччи-қидан кейинги қарор эди бу.

Адолат ҳукмини кўрсатди. Кури-цин финалда монгол паҳлавони Бат-цухга курашни осонгина бой берди. Собир Қурбонов эса бир йил кейин Батцухни ҳалол енгиб жаҳон чемпи-они бўлди. Батцух чунонам йиқил-дики, унинг гавдаси Собирнинг чай-ир гавдаси остида гўё титилиб кет-гандек қалқанча қолди. Қурашдан сўнг Батцух Собир билан яқиндан танишди. Унинг шарафига ўз уйида зиёфат берди.

— Сен юртининг ифтихорисан, (Давоми 2-бетда)



БАЛИҚНИНГ ХОСИЯТИ
Америкалик олимлар эр-кақлар ўртасида юрак-қон ха-сталикларининг юзига келиш сабабларини ўрганиш мақса-дида 40 ёшдан 84 ёшгача бўлган 20 минг нафар киши-ни текшириб, қуйидаги ҳуло-сага келишди: агар эркаклар ҳафтада бир марта тушликда балиқли таомлардан танавул қилиб турса, инфаркт касал-лигига икки марта камроқ ча-линар экан.

КўПАЙИШ СУРЪАТИ БАЛАНД
БМТ мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, айни пайтда ер юзиде 5 мил-лиард 192 миллиондан зиёд одам яшамоқда. Башарият ҳозир ҳар дақиқада 176 на-фарга кўпаймоқда. Агар кўпайиш шу суратда давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб замин аҳолиси 10 мил-лиарддан ошиши мумкин.

ЯНГИ САЙЁРА
Янги Зеландия фалакшунос олимлари Сомон йўли юлдаз-лар туркуми марказида янги сайёра топанлигини маълум қилдилар. Олимларнинг айти-шича, янги кашф этилган сай-ёра аниқ, ўз қўшидан узок-лиги, тортиш кучи, ҳарорати билан Ерга ўхшаб кетади. Бироқ, унинг бизгача бўлган масофаси жуда узоқ — 25 минг нур йўлига тенг. Бу ҳолат сайёрани кузатиш иш-ларини гоят қийинлаштири-моқда.

ФИКРЛАШ МИЯНИ САҚЛАЙДИ
Одам 30 ёшдан ошганидан сўнг, унинг миё хужайралари 30-50 минглаб ўла бошлайди. Япон олими Мацүзова бу ҳодисанинг сабабини билиш мақсадида илмий изланишлар олиб борди ва оддий ҳулоса-га келди. Миянинг қаримасли-ги учун инсон фикрлаши, ўйлаши сувайтирмаслиги ке-рак экан. Шундагина фаол миянинг кексайиши сусаяди.

ЯНГИ ТАРАДДУД

Ўzbekiston qo'shiq bayrami

Яна бир ўзига хос янги тарад-дуд бошланди. Бу «ўзига хос»лик-нинг эса, икки хил кўриниши бор. Аввало, бизнинг жанублар баҳор-га чулана бораётганидан нишо-надир. Демак, бу ҳолдан аёнки, юртимизда ҳар йилги аънавий «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг илк босқич-лари бошланди.

Дарҳақиқат, Республика халқ таълими вазирлигининг ҳам таъ-лим муассасаларида ушбу кўрик

танловини ўтказиш тўғриси-даги буйруғи эълон қилинди. Унда кўрсатилишича, ушбу йил-нинг 15 февралгача боғчалар-да, умумтаълим мактабларида ва барча таълим муассасаларида, 25 мартгача туман, шаҳар миқ-сидеда, 20 апрелгача эса, барча вилоятларда кўрик-танловнинг

биринчи босқичи ўтказилиши керак. Йилнинг 19 — 22 май кунлари эса, кўрик-танлов-нинг иккинчи Республика бос-қичи бўлиб ўтади. Ва ниҳоят танлов совриндорлари ва қат-нашчиларининг яқунловчи кон-церти одатдагидек, ҳар йилги қўшиқ байрами кунда яъни,

август ойининг учинчи ҳафтаси-да бўлиб ўтиши кўзда тутилган. Бу йилги «Ўзбекистон қўшиқ байрами» қай йўсида бўлиб ў-тади. Бу саволнинг жавоби: Сиз ва Биз. Негаки энди ҳар биримиз қўшиқ байрамнинг мақсад ва вазифаларини ёдан биламиз. Фа-қат бу борада битта муаммомиз

Алишер НАЗАР

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang

Ўзликни англаш воситаси

Озод юртимизда Ўзбеки-стон тарихи ҳамда «Жаҳон тарихи» бўйича умумтаъ-лим мактаблари учун дар-сликларнинг янги авлоди яратилмоқда.

Бугунгача 5- ва 11-синф ўқувчилари учун «Ўзбеки-стон тарихи» дарслиги яра-тилганлиги фикримизнинг далилидир. Мана, яқинда ўқитувчи ва ўқувчилар учун яна бир қувончли воқеа юз берди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни 6-синф учун «Ўзбекистон тарихи» дарслигини нашрдан чи-қарди. Дарсликнинг ташки қўриниши, қозонининг си-фати барчани ўзига жалб этади.

Ушбу дарсликнинг нашр этилишини юқорида мен «қувончли воқеа» деб ата-дим. Нега? Маълумки, маз-кур китоб чоп этилганига қадар 6-синф ўқувчилари асосан академик А. Аска-ровнинг 1994 йилда 5 синф учун чоп этилган «Ўзбеки-стон тарихи» қўлланмасидан (ўқитувчилар учун) фойда-ланишга мажбур бўлдилар. Мен бу сўзаларим билан А. Асқаровнинг қўлланмасини қамситмоқчи эмасман. Қўлланма ўқитувчилар учун ниҳоятда чуқур маълумот-лар беради. Ҳа, ўқитувчи учун, ўқувчи учун эмас. Са-баби — қўлланманинг ўта



илмий тилда ёзилганлиги-дир.

Тарих фанлари докто-ри, профессор А. С. Саг-дуллаев, доцент Н.К.Нор-кулов ва таърибали ўқитувчи, Республика таъ-лим Маркази ходими В. А. Костецкий томонидан яратилган янги дарслик-нинг ўзига хосликларидан бири — унинг ўқувчига юз тутганлигидир.

Иккинчидан, ўқувчига китоб билан қандай муо-мала қилиш кераклиги ҳақида тавсиялар берил-ган.

ҳодиса, жараённинг ўқу-вчи эсида қолишига ёрдам берувчи усуллардан ма-ҳорат билан фойдаланил-ган.

Бешинчидан, дарслик-нинг ҳар бир бўлиминин сўнг болалар билиминин аниқлашга имкон берувчи тестлар берилган. Бу тест-ларнинг тақрирлаш дар-слари ўрнида берилган-лигини эса дарслик яра-тишича янги ҳақиқатнинг яна бир ижобий жи-ҳати деб баҳолаш мумкин.

Олтинчидан, муаллиф-лар зарур ўринларда тур-ли тарихий, бадий ман-балардан парчалар бер-ганларким, унинг дарс мазмунини оширишдаги ўрни шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

Еттинчидан, дарслик-нинг охирида «Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврлардан X асргача бўлган асосий воқеалари» хронологияси, дарсликда учрайдиган атамалар изоҳли лугати ҳам берил-ганлиги, дарсликнинг қим-матини янада оширган.

У. ЖўРАЕВ, Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг тарих ўқитувчиси, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори

Москва шаҳрида шохмат бўйича ёшлар ўртасида ўтказил-ган халқаро турнирда юртдош-имиз, шохмат бўйича жаҳон че-мпioni Иброҳим Хамроқулов 9 имкониятдан 6,5 очко йиғиб яна голибликни қўлга киритди. Унинг уқаси — спорт усталли-га номзод Жўрабек Хамроқулов эса, 9 имкониятдан 6 очко тўплаб турнирнинг иккинчи ўринини эгаллади.

Ўзбекистонлик ака-укалар Москвада дунё ёшларига шохмат борасида ўзларининг нима-ларга қолдир эканликларини яна бир қарра кўрсатишди.

Голиблик муборак, азиз юрт-дошлар!

Суратда: шохматчи — Хамро-қуловлар оиласи.

Н. АСЛОН

ЖАҲОН ЧЕМПИОННИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ



XABARLARI

UCHINCHI BOSQICH YAKUNLANDI

Nukus shahrida Qoraqalpog'iston respublikasi uchinchii tur fanlar olimpiadasi bo'lib o'tdi. Unda barcha tuman va shahar maktablari, litseylarining o'quvchilari qatnashib, o'zaro kuch sinashdi.

To'rtko'l tumani birinchi, Ellikqal'a tumani ikkinchi, Nukus shahri uchinchii o'rinni egallashdi.

G'oyib YOQUBOV

HAMKORLIK SAMARALARI

Toshkent Davlat universiteti o'zbek filologiyasi fakultetida shu mavzudagi uchrashuv bo'lib o'tdi. Unda O'zbekiston - Turkiya ma'rifiy uyushmasi raisi, o'zbek-turk litseylari bosh mudiri Maxmut Baljanovlari va «O'z-Silm» turk tili uslubiy birlashmasining raisi Husayn Bargan, mazkur fakultet dekani, professor Qozoqboy Yo'ldoshev, professor Begali Qosimov, kafedra mudiri Abduraziq Rafiyev, dotsent A. Alimbekov va boshqa mutaxassislar ishtirok etdilar.

O'zbek va turk a'loqalarida asosiy ko'priki — ma'rifiy hamkorlikning rivojlanishida beqiyos xizmati singgan olim, professor Begali Qosimov O'zbek - turk a'loqalarining nafaqat iqtisodiy - siyosiy sohalarida, balki, ilm-fan, xususan til va adabiyot sohalarida ham hamkorlik munosabatlari davom etayotganligi va ko'zlangan maqsadlarga erishilayotganligini dalillar asosida gapirib berdi. Mehmonlar talabalar foydalanishi uchun zarur bo'lgan 200 ga yaqin adabiyotlarni turkologiya bo'limi kutubxonasiga hadya sifatida topshirdilar.

Go'zal TOSHMATOVA

IJODIY GURUHLAR ISHI

Andijon viloyati umumta'lim maktablarida ijodiy guruhlar tuzilgan bo'lib, yil davomida turli mavzularda bellashuvlar o'tkaziladi. «1999 yil - Ayollar yili», «Ekologiya—yashil dunyo sari» kabi mavzularda tashkil etilgan talovlarda Izboskan biznes maktabining «Chashma» guruhi g'oliblik qilmoqda. Y. Nishonova rahbarlik qilayotgan guruhga 20 nafar ijodkor o'quvchilar jalb qilingan.

Shuhrat KELDIYEV

MMMM

БОЛАЛИКНИНГ БОШ БАЙРАМИ

Болаликнинг байрамлари кўп. Лекин бу байрамларнинг ахамияти турлича. Бир кун, бир йил, бир умр хотирланадиган байрамлар бўлади. Яқинда Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 235-мактаб-лицейда ўтказилган «Алифбе» байрамини ҳам 1-синф ўқувчилари узок йиллар эслаб



юришлари тайин. Шу кунни улар юзидеги чексиз ҳаяжон, қувонч катталарга ҳам кўчди. Улар маҳорат билан ижро этган қувноқ кўшиқлар, мазмунли шеърлар, интермедиялар барчани хушнуд этди.

Чунки болакайлар саводхонликнинг илк погонасини босиб ўтганлигини, она Ватанга содиқ фарзандлар бўлиб етишайётганлигини илк бора намойиш этишди.

Суратларда: Байрамдан лавҳалар.

А. ДАВРОН олган суратлар.



ИФТИХОР

(Боши 1-бетда)

— деди у ўз тилида Собирга хавас-ла боқиб. Улкан СССР бу ифтихорни шаксиз ўзиники қилди. Чунки «осмон сингари бепоён бу Ватан»да «хамма бир киши учун, бир киши хамма учун» широри бош широрлардан бири бўлиб, барча ютуқлар «азамат ўлка» шаънига ёзиларди.

Назаримда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини белгилаш тўғрисидаги Президентимиз фармонидан сўнг, ифтихор сўзи ўзимизники қилиб қатъий муҳрланди. Бу сўзнинг қулугига Ўзбекча эн солинди.

«Ўзбекистон ифтихори» белгиланган айлансин ўзбек шункорларини! Бу ном фақат унвоннинг номи эмас, бу энг катта ифтихор — келажакда буюк давлатнинг, овоз ва обод ватаннинг, оқил юртбошининг номи билан боғлиқ.

Бу сўзлар асло широрна сўз эмас, кўнглимдан кечган ростларимнинг. Ҳа, юртбошимиз ифтихорнинг қаддини тикладилар. Унинг юзи равшанлашиб кетди. Фармон матнига тикилиб ифтихорнинг чеҳра-

лимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» дея қатъий ва ўзига хос ишонч билан баралла айтдилар. Демак, келажакдан янада баланд ифтихорлар кутиляпти. Юзлаб, минглаб Ўзбекистон ифтихорлари дунёга доврқ солажақларига ақл бовар қилиб турибди. Ўзбекистон ифтихори шони ва шухратини улғулашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси Фикароларини рағбатлантириш мақсадида: «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини белгилаш мақсада мувофиқ деб ҳисоблансин.

Сездингизми, ифтихор сурат сўз эмас, ифтихор сийрат сўз! Ифтихор ётиқ сўз эмас, ифтихор тикка сўз! Келинг, шу сўзни биргалашиб бир хиргойи қилайлик. Бошладик: Ўзбекистон ифти-хо-ри, Ўзбекистон ифти-хо-ри! Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XIII сессияси арафасида Президент Ислам Каримов вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувларда сўзлаган нутқларида «Фарзандларимиз биздан кўра кучли би-

Сездингизми, ифтихор сурат сўз эмас, ифтихор сийрат сўз! Ифтихор ётиқ сўз эмас, ифтихор тикка сўз! Келинг, шу сўзни биргалашиб бир хиргойи қилайлик. Бошладик: Ўзбекистон ифти-хо-ри, Ўзбекистон ифти-хо-ри! Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XIII сессияси арафасида Президент Ислам Каримов вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувларда сўзлаган нутқларида «Фарзандларимиз биздан кўра кучли би-

Дилмурод ЖАББОР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ИШОНЧ — МАСЪУЛИЯТ

Яқинда Акмал Икромов номидаги Каттакўрғон педагогика билим юртида Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарини юзасидан илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирни билим юрти директори Хамротов Шодиева олиб борди. Тарих фани ўқитувачиси Б.Шукроров ўқитувчиларнинг аксарият қисми юртбошимизнинг ушбу асарини пухта ўзлаштириб, дарсларида мазкур асардан етарлича фойдаланаётганликларини айтиб жумладан шундай деди: — «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарини талаба ёшлар онгида миллийлик, инсонпарварлик, ўзиники англаш, қадриятларни эъзозлаш шу муқаддас тупроқ фарзандлари бурчи эканлигини англашди. Ушбу асарни билим юрти талабалари зур иштиёқ билан ўқитганликларига аминман.

Анжуманда асарнинг ҳар бир бўлими юзасидан ихтиמוий фан ўқитувчилари

И.Турсунов, Н.Исомова, Х.Бозоров ва Н.Ахмедовлар маруза қилдилар. Билим юрти талабалари ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Уларнинг умумий фикрлари шундай эди:

— Президентимизнинг ёшларга билдираётган ишончлари, умидлари замирида аввало чин маънодаги гаҳмуҳкам ва албатта катта масъулият жамқасам. Бу қадар ишонччи оқлашга Ёшлар, келинг қатъий қиришайлик.

— Мен мана шу тупроқ фарзанди, шу ватаннинг бир зарраси эканлигимдан фахрланаман.

Билим юрти талабалари мазкур асар юзасидан ўз билимларини мустақил намойиш қилдилар. Асарнинг талабалар қалбидан чуқур ўрин олганлиги, уларнинг эркин фикр алмашувларидан сезилиб турарди.

Гавҳар ИСМОИЛОВА, Каттакўрғон педагогика билим юрти ўқитувчиси

Hay'at yig'ilishida ХУПОСАНИНГ АСОСИ

Хуқуқий-демократик давлатнинг асосий шартларидан бири бўлган фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя этиш ҳозирги кунда республикамиз ҳукуматининг диққат эътиборида турибди. Шу мақсадда қабул қилинган кўпгина қонун ва қарорлар бу ишнинг қонуний бир асосда, адолатли олиб борилишини таъминламоқда. Фуқаролар ўз ҳақ-хуқуқларини, ён атрофида бўлаётган ноҳақликларни хат, ариза ва шикоятларда баён этишадди. Кўпчилик ҳолларда маълум бир ҳудуддан келаятган норозилик мактублари ушбу жойда ихлошлар қандай кеңаятганлиги ҳақида хулоса чиқаришга ҳам ҳолис асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг янги йилдаги илк хайъат йиғилиши ҳам айнан шу масалани кун тартибининг асосий мавзуси қилиб белгиланди. Бу гал Тошкент шаҳридаги ахвол таҳлилга тортилади. ХТВ таълимий педагогик ва умумий ишлар бошқармаси бошлиғи И. Нишоннов ҳисобатига кўра, пойтахт халқ таълими Бош бошқармаси ва унинг бўлиmlарига бу борада бир талай ишлар амалга оширилган. Хат, ариза ва шикоятлар билан ишлашнинг бир мунча такомиллашгани уларнинг ўтган йилларга нисбатан бироз камийганига сабаб бўлганлиги кузатилади. Лекин бу, қилинаётган ҳаракатлардан қониқсини эмас, балки бу механизмни янада самаралироқ ишлашини йўлга қўйишни талаб этади.

— Нега шикоят кўпаяди? Нега у қуйи бос-

қичдаёқ ҳал этилмаяпти? — хайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев шундай саволларни ўртага ташлади. — Сабаби илк бор озаки тарзда айтилган шикоятга жойлардаги раҳбарларнинг лоқайдларча муносабати. Бу эса уларни оддий қонунни, шикоят ва аризалар билан ишлаш тартиб-қоидаларини билмаслигини далолат беради. Натижанда фуқаролар ёзма равишда ундан юқорироқ ташкилотга мурожаат этишадди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бўлиmlарининг шу жиҳати текширилганда, ҳақиқатдан ҳам фуқаролар хатлари, шикоят ва аризалари билан шуғулланувчи маъсул шахсларнинг айримлари бу ишни юрutiш тартиб-қоидаларини билмаслиги маълум бўлди. Мақтаб ва мактабгача таълими масасалари раҳбарлари ҳамда жамоа ўртасидаги носоғлом муносабат ҳам кўпгина ҳолларда норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Хайъат йиғилиши сўнггида бу каби салбий ҳолатлар олдини олиш, фуқаролар хати, ариза ва шикоятлари билан шуғулланишни янада такомиллаштириш учун кўпроқ амалий тадбирлардан иборат режалар тузиш лозимлиги қайд этилди. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига бу борадаги ўз ишларини ҳамда тааллуқли иш қорғозларини ҳозирги талабларга мос ҳолда қайта кўриб чиқиш вазифаси юкланди.

Мухбиримиз

ТўГАРАК ТАЖРИБАСИ

ҳозирда тўғарақ раҳбарларидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Х.Расулвонинг Геоинформатика ва кадастр миллий марказида лаборатория мудири бўлиб ишлашлари ва кўпгина илмий саёҳатларда орттирган тажрибалари тўғарақнинг илмий муҳитига ижобий таъсир кўрсатди. Тўғарақда 18 мавзудаги илмий ишлар олиб борилмоқда. Шулардан бештаси ҳозирги кунда яқунланди. Булар қуйидагилар:

- 1. Тошкент темир йўли бекатлари ва ён-атрофдаги жой номлари топони-мияси.
2. Табиат рангларига табиат жилоси.
3. Табиат ҳидларига та-

Mulohaza

Сиёсий маданият жамиятнинг барча аъзоларида бир хил ва бир вақтда шаклланадими. Жамиятдаги гуруҳлар, яъни ишчилар, зиёлилар, деҳқонлар ва ёшларда сиёсий маданият даражаси хар хил шаклланса-да, улар ўртасида ўхшашлик, умумийлик бўлади.

Республикамизда янги маданият шаклланиши вужудга келиши халқ ҳўжалигида фаолият кўрсатаётган ишчи ёшларнинг сиёсий маданияти даражасини янада ривожлан-

имизнинг дунёқараши ва сиёсий маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади: «Бошқача айтганда, — таъқидлайди Президентимиз, — ҳозирги вақтда дунёдаги икки қарама-қарши кўб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-мафозатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Оқиб айтиш керакики, бу тортишувлардан қўзланган асосий мақсад инсон, авваламбор, ёшлар калбидини эгаллаш, муайян мамлакат ва минтақадаги бирор миллат ва халқнинг онгида, сезги туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қулуги эса хар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлироқдир».

Жамият аъзоларининг сиёсий маданиятини ривожлантиришда оила, мактабгача таълим, ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий ўқуш юрталари, сиёсий партиялар ва уларнинг фаолияти, амалга оширилятган маданий-маънавий ихлошотларнинг таъсири беқубеъдир.

Ақбар ШИМУРОДОВ, Қарши Давлат университети аспиранти

МЕРОС ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Ўтимишда ота-боболаримиз яратиб қолдирган тарихий обидалар республикамизда қарийб 4 мингтани ташкил этади. Улар халқимизнинг ўтмишида қандай билим ва маданиятга эга бўлганликлари кўрсатади. Бу обидаларни қайта тиклаш бизнинг бой ва кўнча тарихимиз, маданий меросимиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизга эътибор, шу билан бирга, сиёсий маданиятимизнинг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Республикамаиздаги тарихий обидаларнинг кўпчилиги қайта таъмирланди ва тикланди.

Президентимиз И.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бosh муҳаррирининг саволларига жавабда илгари сурилган янгича гоё ва қарашлар халқ-

тириш вазифасини қўйди. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодидаги ўтишдаги шарт-шароити Европанинг бозор иқтисодидаги ўтишдан, яъни эркин рақобатга асосланган капитализм давридан кескин фарқ қилади. Қолавеерса, бу борада тарихий шароит ва давр, фан-техника тараққиёти, кишиларнинг онглиги ва сиёсий маданияти, халқ руҳияти тубдан фарқ қилади.

Президентимиз И.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бosh муҳаррирининг саволларига жавабда илгари сурилган янгича гоё ва қарашлар халқ-

кўйнида ўзларини, унинг бир бўлаги сифатида эркин тутатилган бу ўқувчилар табиатини асраш бу инсонни асраш эканлигини чуқур ҳис қила оладилар.

Тўғарақ ўз бошқарув тизимига эга бўлиб, ўқувчилар етакчи куч ҳисобланади. Тўғарақ ваёти раҳбар ишлаб чиққан асосий низоми, мактабдаги табиат музейи низоми, тўғарақ кутубхонаси низоми қоидалари асосида бошқарилади.

Тўғарақ ўз номига, нишонига, широгига, аънавларига, кўргазма қуролларига, кутубхонасига, музейига, фотоархив ва видео-аудио-базасига, турли олийгоҳ ва илмоҳларда ишловчи маслаҳатчиларига эга.

Тўғарақнинг Ўзбекистон Республикаси ёш ўлкашунослар ва саёҳатчилар Марказига аъзо бўлиши унинг ишини янада ривожлантиради. Шу марказ тўғарақнинг тўғарақ Коронкулсой турбазасида 2, 3, 4 ва 10, 15

Maktab va oila

қунлик саёҳатлар ўтказиш имконига эга бўлди. Шу кунга қадар тўғарақда турли фасл ва турли об-хаво шароитларида Хўжаекент, Хумсон, Қоронкулсой, Оқтош, Белдерсой, Чимён йўналиши бўйича саёҳатлар уюштирилди.

Сентябрь ойида тўғарақ ўз фаолиятини бошлаганига 5 йил тўлди. Ҳозирги кунда Расулвонлар пойтахтимиздаги 305-экология лицей-мактабда ва 114-мактабда ўз тўғарақлари сонини кўпайтириш ҳаракатида юрибдилар. Шу билан бирга ўз мактабларидаги катта тўғарақни клубга айлантириш устида иш олиб боришмоқда.

София ФОЗИЛОВА, Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази услубчиси

Халқ таълими тизимидаги ихлошлар барча фанлар ўқитилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шулардан келиб чиқиб, сайёҳлик ва ўлкашунослик бўйича илгор иш тажрибаларини замон талаби асосида қайта ўрганиш Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 138-мактабнинг олий тоифали география фани ўқитувчиси Насибхон Расуллова иш фаолиятининг асосига айланаётгани аён бўлмоқда. У мактабда география фани ўқитилишини юқори савияга кўтариш учун тинмай иланишлар олиб боради. Шу билан бир қаторда география - ўлкашунослик бўйича синфдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш борасида талайгина ишларни амалга оширмоқдалар. Биз жонкуяр ўқитувчининг

тўғарақда олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталмоқчимиз. Республика ёш ўлкашунослар ва саёҳатчилари марказига аъзо бўлган бу тўғарақ бошқа тўғарақлардан фарқ қилади. Унинг тузилиши ҳам, таркиби ҳам, бошқарилиши ҳам ўзига хос. У «Ўлкани ўрганиш ва табиатда ўзини туттиш» деб номланувчи экологик-ўлкашунослик тўғарағидир.

Катнашчиларнинг машғулотлари хар йили ўз номларини ва дастурларини янгилайди. Биринчи йил «Ўлкани ўрганиш ва табиатда ўзини туттиш», иккинчи йил «Табиат алифбоси», учинчи йил «Табиат гузаллигидан санъат гузаллигига» ва тўртинчи йил қатнашувчилар «Табиатсеварлар кутубхонаси» бўлиmlарини ўрганадилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, машғулотлар режаси ва дастури ўқувчи-

лар берган саволлар асосида тузилганлиги боисми, тўғарақда 300 га яқин ўқувчи шуғулланади. Ишларни бошқаришда Расулвонлар оиласи жон-диллари билан тўғараққа яқиндан ёрдам беришадди.

Аваллига илмий маслаҳатчи сифатида мадад бўлган Ҳабибулло Расулвон олиб борилмоқда. Шулардан бештаси ҳозирги кунда яқунланди. Булар қуйидагилар:

- 1. Тошкент темир йўли бекатлари ва ён-атрофдаги жой номлари топони-мияси.
2. Табиат рангларига табиат жилоси.
3. Табиат ҳидларига та-

биат таровати.
4. Табиат овозларида табиат сеҳри.
5. Ўлкамиз тошларига қараб маълумот олиш (ўқувчилар учун геологик кўлланма).

Қилинган бу ишлар севарлар бўлиб, табиатсеварлар учун керакли кўлланмалар ҳисобланади. Уларнинг қизи Гулбаҳор ва сўлим табиат қучоғида ўтади. Назарий, амалий, тонгги, кундузги, кечки ва тунги машғулотлар ўқувчиларга табиат ҳақида бетақдор маълумотлар беради. Ўқувчилар фақат табиатни асрашнинггина эмас, балки табиат қўйнида инсонни асраш қоидаларини ҳам ўрганишди, табиат уларга ўз сирларини очди. Табиат

кўйнида ўзларини, унинг бир бўлаги сифатида эркин тутатилган бу ўқувчилар табиатини асраш бу инсонни асраш эканлигини чуқур ҳис қила оладилар.

Тўғарақ ўз бошқарув тизимига эга бўлиб, ўқувчилар етакчи куч ҳисобланади. Тўғарақ ваёти раҳбар ишлаб чиққан асосий низоми, мактабдаги табиат музейи низоми, тўғарақ кутубхонаси низоми қоидалари асосида бошқарилади.

Тўғарақ ўз номига, нишонига, широгига, аънавларига, кўргазма қуролларига, кутубхонасига, музейига, фотоархив ва видео-аудио-базасига, турли олийгоҳ ва илмоҳларда ишловчи маслаҳатчиларига эга.

Тўғарақнинг Ўзбекистон Республикаси ёш ўлкашунослар ва саёҳатчилар Марказига аъзо бўлиши унинг ишини янада ривожлантиради. Шу марказ тўғарақнинг тўғарақ Коронкулсой турбазасида 2, 3, 4 ва 10, 15

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Яқинда Республика Халқ Таълими Вазирлиги ва Республика таълими Маркази ташаббуси билан «Хорижий тиллардан синов ўқув дастури ва унинг тажрибада ўтказилиши» мавзусида катта семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Республика халқ таълими ходимларининг маълумасини ошириш марказий институтида бўлиб ўтган бу семинарда тажриба дастурлари синиб қўриляётган мактабларнинг ўқитувчилари, дастурларнинг муаллифлари ва таълим соҳасининг юқори маалаки мутахассислари иштирок этдилар.

Семинарнинг биринчи кунини иштирокчилар пойтахтимиздаги хорижий тилларни ўқитишда янги дастурлар тажрибадан ўтказиляётган 234-, 245- ва 90-мактабларга бориб, у ерда олиб бориляётган ишлар кўламини билан таълимчилар, Ютуқлар, қанчиллар ва тажрибаларни ўрганишди.

Иккинчи кунини эса семинар иштирокчиларининг умумий ва шўба мажлислари бўлиб ўтди. Умумий мажлисда Г.Алимованинг «Тошкент тўғрисида»ги қонунга асосан умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган ўқув режа ва тажриба дастурларининг синовдан ўтказилиши ҳақидаги, ЎЗДЖТУ ректори, профессор Ж.Бурановнинг «Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» асосида Республикамаизда хорижий тилларнинг ўқитилиши, М.Абдураимованинг «Давлат Таълим стандарти, ўқув режа ва синов дастурларининг мақсади ва вазифалари», РТМ гарбий Европа тиллари бўлими бошлиғи Т.Очиловнинг «Хорижий тиллар бўйича тажриба дастурларининг яратилиши», Низомий номидаги ТДПУ хорижий тиллар кафедраси мудири, профессор Ж.Жалоловнинг «Хорижий тилларни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, доцент Ў.Ҳошимовнинг «Хорижий тиллардан яратилган синов дастурларининг мазмуни» тўғрисидаги маърузалари тиратилди.

Шухрат ЙИГИТАЛИЕВ

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари



САВОЛ. Яхши биламизки, мустақил таъриқий йўли оқ пойандоз тўшалган раво йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?

ЖАВОБ: Менимча, етти-саккиз йиллик таърибалар асосида тугал хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки биз яшаб ўтаётган давр ҳақида, миллатимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуқтаси бўлган истиқлол йиллари ҳақида мукамал хулосаларни тарих ва келгуси авлодларгина чиқаришга ҳақлидир. Лекин бугунги ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилдани келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни зикр этиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ёдингида бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айрим давлатлар эски тизимдан воз кечиб, бирданига демократия курамини, бирпасда ривожланган мамлакатлар даражасига эришмас; деб хомхаёл қилган эди. Бугун, орадан етти йил ўтиб, бора-борнинг қуруқ гап эканини, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади.

Шу каби ҳаёт сабоқларини ўйлаб, бошимиз

бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шior давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу гоё одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эрта-ми-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимда меҳнат қилган таърибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, **адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.**

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, боринги, оила мисолида ҳам омадимиз, фой-баракамизнинг гарови ва шарт бўлиши тинчлик ва товулгимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.

Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга — фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган оқсоғишликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, биз тараққийтимизнинг, миллатимиз тарихининг

дан кечган воқеаларни таҳлил қилиб, ақл тарозисидан ўтказиб, шундай тўхтамга келаманки, **Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало, тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучуғини билиш керак экан.** Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чарх-палак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янги ҳақ шаклда рўй беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул замонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган. Бунга Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол

ҳозирги босқичда, маълум маънода ана шу даврларни янги шароитда қайта бошдан кечиряпмиз. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўяпмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламасдан иш тутиш ярамайди. Одамларга яхши кўринаман, деб «чиройли» шiorлар билан жамоатни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳоли қандайлигини кўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоғи эмасми?

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустабид турмушнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзғириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асоратларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни тақрирлаш — ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш ниҳоятда қийин ва машаққатли жараён.

Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққий йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми таърибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, **энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди.**

Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, **миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлимизни англаш, маънавий илдишларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга.** Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, энгиб ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан — миллатлараро низолардан, биродарқушлик қирғинларидан худонинг ўзи асрасан.

Шўқри, биз халқимизнинг азму шижоати, бунёдкорлик кучига таянган ҳолда, ўтиш даврига хос қийинчиликларни енга бориб, ўз йўлимизни аниқ белгилаб олдик ва шу йўлда озми-кўпми ютуқларга эришдик. Албатта, ютуқлар ҳақида гурурланиб гапириш, кўплаб мисолларни келтириш мумкин, аммо сохта обрў орттириш йўлида кўкракка мушт уриб оламга жар солиш бизнинг табиатимизга ётдир.

Шу ўринда эътиборингизни, айниқса омма-

вий ахборот воситалари ходимларининг диққатини бир нарсга жалб этмоқчи эдим.

Юртимизда амалга оширилган катта ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига мамлакатимиз раҳбарияти бош-қош бўлиши табиий ҳол. Лекин бу жараёнларда кўпчиликнинг иштироки, қолаверса, ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Бу ишлар бутун халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати тўғрисида амалга ошмоқда. Президентнинг вазифаси эса жамиятни олий мақсадлар, ёруғ келажакка интилиш йўлига қорлаш, бирлаштириш, жиқлаштиришдан иборат экан, бу иш менинг зиммамга тушибди. Мен нима иш қилган бўлсам, худо берган қобилиятимга яраша, халқимизга суянган ҳолда қилдим. Яратганга шукроналар бўлсинки, халқ менга ишонди.

Ана шу ишонч одамни эзгу йўлга бошлайди, қанот беради, керак бўлса, мислсиз куч-ғайрат бағишлайди. Азалдан қолган нақл борки, давлат бошлиғи ҳам ўз халқининг феъли-атвори га яраша бўлар экан.

Мен бир гапни кўп айтганман. Яна тақрир-лайман: бизнинг юртимизга Оллоҳнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа биров чиқарди.

Ҳар қандай таназзулдан, таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда, одамларнинг мададига таянибгина чиқиш мумкин.

Халқига суянмаган раҳбар ҳеч замонда бирон натижага эриша олмаган. Ахир, ҳар бир фуқароннинг жамиятда ўз ўрни, ўз бурчи ва масъулияти бор. Лекин уларни улғу ва олижаноб мақсадлар йўлида руҳий, маънавий жиҳатдан бирлаштирадиган йўлбошчининг майдонга чиқиши тарихий тараққий тақозосидир.

САВОЛ. Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, кейинги вақтларда мустақиллик мафкура-си, миллий гоё ҳақида жамиятимизда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жамоатчилигимизга яхши маълумки, **Сиз одамларнинг тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг қалбига ана шу улғу гоёлари сингдириш борасида доимо жон қуйдириб келасиз. Ижозатингиз билан энди миллий гоё, миллий гурур, маънавият масалалари ҳақида тўхталасан...**

ЖАВОБ. Миллий гоё ҳақида жуда кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий гоё халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Бу ҳақдаги асосий фикрларимни «Тафаккур» журнали бош муҳарририни-

нг саволларига берган жавобларимда ҳам билдирган эдим.

Шу нарсга эътиборга сазоворки, кейинги вақтда «миллий гоё» деган тушунча ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини топмоқда.

Бу албатта, мустақилликнинг — мустақил тафаккурнинг маҳсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юритиш қийин эди. Ҳамма нарсга коммунистик мафкура қолиби билан ўлчанган у замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъи назар, ичидаги гам-ташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда — оддий зиёлими, етук олимми ёки таниқли арбоби — барибир, айтётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-келмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақли одамлар қирғин-қатагонлар тўғрисида кўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қон-қонига, онг қатламларига ана шу ваҳима хисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифода қилмоқда.

Бугунги ҳаётимизнинг кечаги қуниимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало, **одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани** билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлик дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқарашини ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичида — кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда.

Бу муҳим, гоё долзарб масала бўйича бизнинг ёндашувимиз шундай: **биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.**

Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган мафкура — миллий гоёни шакллантиришнинг асосий шarti — одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий гоё, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш,

уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очик-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққийтимиз учун катта наф келтиради.

Биз йигирма биринчи аср бўсағасида яшаётганимиз. Оллоҳ насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Ҳўш, янги асрга биз қандай онг, қандай мафкура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий гоё билан кириб бора-миз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, гоё мураккаблашиб бораётган жўдан ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқро таърибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нима-ларга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари — концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кучлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олға қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда депсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилик жамиятида гоёвий бўлиш бўлмаган. Агарки шундай бўлиш пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий таъйиқлар эгаллатиб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Бундай ҳавфни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз — бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Ҳўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичидан ва четдан таъсир ўтказиш мумкин бўлган қандай мафкуравий кучлар бор?

Бу кучларнинг гоёлари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак?

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий гоёмиз қандай бўлмоғи лозим?

Уни кундалик ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида тадбиқ этишнинг йўли ва усуллари нималардан иборат?

Шу муносабат билан бизга ҳавф солиши мумкин бўлган айрим мафкуравий таъйиқларга ватандошларимиз диққатини қаратмоқчиман.

Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифаларини тиклашни

ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг ниёти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай кучлар орасида «Ҳезби таҳрири исломия» ташкилоти айниқса фаолиги билан ажралиб туради. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз худудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, таърибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илтиришга, турли йўللар билан уларнинг миёсини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ганимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўймаймиз ва қўймаймиз ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонуний асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Аммо биз дундан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниётлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири — бу Оллоҳни танишдир. Лекин инсоннинг мана шу буюк фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини чағитиб, ўз гаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўллаш—дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин.

Мафкуравий таҳдид ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз керак. Ҳозирги вақтда Россия-Белорус иттифоқи атрофида зўр бериб шов-шув қилинмоқда. Маълум сиёсий кучлар бу иттифоннинг «жозибаси»ни тарғибу ташвиқ қилиб, унга МДХ худудидаги бошқа мамлакатлар халқларини ҳам маҳлиё қилишга интиломоқда. Албатта, озодлик нашъасини тотиб кўрган, эркин нафас олаётган ҳар бир ақли расо одам бунинг тағида нима ётганини яхши билади. Аммо бу кучлар бугунги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, мафкуравий таъсир воситалари ёрдамида сиёсатдан узоқ, содда кишиларнинг бош-қўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўл-

ган совет гоёларини ҳаётимизга қайтадан тикиштироқчи, шу йўл билан буйнимизга яна ўша эски буйинтурукни илмоқчи. Ишончим комилки, эркесевар ва ўз қадр-қимматини яхши англаб олган халқимиз бунга асло рози бўлмайди. Бинобарин, жамиятимиздаги барча соғлом кучлар бундай хатарларга қарши курашга ҳамиша тайёр туриб, кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни авж олдириши керак.

Мафкура соҳасида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган **яна бир ҳавф** — бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шiorлар билан бизни тарихимиздан, шарофатли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг давлоларига қўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш.

Биз бундай қарашлар билан сира келишолмаймиз. Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакордир. Биз ҳақон майдонида қуни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўна Хоразм заминидан «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекистон номидан тарқатган эмас, балки, Ўзбекистон ўзбек миллати номи-ни ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, биз қадим тарихий илдишларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз муштарак бўлганини эътироф этамиз, улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин **биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганимиз ва бу билан фахрланамиз.** Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади.

Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак. Миллий гоё ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.

(Давоми 4-бетда)

(Боши 3-бетда)

Уйлайманки, бу соҳада энг устувор вази-фамиз — халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкура-мизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг ома-мага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

Шу ўринда мустақиллик ва истиқлол йўлида биринчи қадам қўётган даврда ягона оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимизнинг долзарб шioriга айланган сўзларни эслатмоқчиман. «Шу азиз ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва икболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтидир».

Ишончим комилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликка чорлайдиган бундай шior миллий гоёмиз асосий мезонига айлана қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орзуларимизни рўёбга чиқарадиган асос бўлиб хизмат қилар эди.

Гап миллий гоё ҳақида борар экан, ўз-ўзидан уни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш масаласи келиб чиқади. Айтиш керакки, бу осонгина бўладиган иш эмас, балки жуда чуқур илмий-сиёсий, назарий-амалий ёндашувни талаб қиладиган машаққатли жараёндир.

Бугунги вазирамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларни, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пешқадам вакиллари мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана би-лишни тақозо этади.

САВОЛ. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида маънавий ҳаётимизнинг асосий йўналиши ва тамойиллари шаклланди. Бунда сизнинг назарий қарашларингиз, миллий кадриятларни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятингиз асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан янги асрда маънавий соҳасидаги бош гоёмиз нимадан иборат бўлиши лозимлиги хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.

ЖАВОБ. Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ, маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда, авваламбор, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайтишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиланам.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бизнинг, айтилик, 1991 йилдаги маънавий савиямиз билан халқимизнинг ҳозирги руҳий ҳолати ўрта-

сидаги фарқни қиёслаб кўриш кифоя, деб ўйлайман. Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий нуқта назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуқтадан назардан ёндошганда, ҳаётдаги, жамият онгидаги ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнгилмиздан ўтадиган «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди?» деган савол билан белгилаш мумкин эмасми?

Бевосита сизнинг саволингизга келадиган бўлсак, унга жавоб бериш, маънавиятимизнинг келгуси асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, айтиб ўтганимдек, аввало жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вази-фасидир.

Шахсан менинг бу борадаги қарашларим қуйидагича: модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастури-миз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий гоёмиз бўлиши зарур.

Биз шу пайтгача маънавият борасидаги ишларимизни одамларнинг тафаккурини эски тузум сарқитларидан халос этишга, ватандошларимиз қалбига миллий мустақиллик гоёларини сингдиришга қаратдик. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришдик. Лекин бу орттириш тажрибамиз эркин демократик жамият куриш йўлидаги илк қадамлардир. Чунки биз кўп йиллар давомида шаклан овоз, моҳиятан эса қуллик ҳолатида яшаб келган эдик. Афсуски, узоқ давом этган бу зулминг асоратлари ҳали-ҳануз тўла барҳам тоғгани йўқ. Айниқса, бу иллат бизнинг онгу тафаккури-мизда чуқур ўрнашган бўлиб, ундан фориг бўлиш осон кечмапти.

Ҳуқуқий жаҳолат, ҳуқуқий саводсизлик, маъмурий-ҳуқуқий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишимизда рўй берган қатағонларнинг мудҳиш таъсири кўрkinчли туш каби ҳамоно хотирамиздан ўчмай келади.

Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, овоз, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараш мустақиллик йилларида шакллан-

ган ёшларимизда келажак маънавиятининг умид-бахш қуртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажакига катта ишонч ва заъқ билан қарайман.

Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўпдан-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни куриши-ни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, **умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга тадбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидадан ўтган анъаналаримизни, хамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.**

Бугун жамиятимиз олдида турган бу улғувор ва мураккаб вазибаларни ҳал қилиш энг аввало, таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик гоёларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳо-мийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур.

Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисоби-дан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки, бугун юртимизда ана шундай саховат булоқлари куриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойий, сахий инсонлар диёримизда кўлаб топилди. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир тўкиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб курса бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чирокимизни ёқадиган, шу ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт.

Маънавият соҳасида янги асрга мўлжалланган асосий йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз, бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак: бу мақсад ва гоёлар халқ онгига сингадими, жамоатчилик уларни қўллаб-қувватлайдими ёки йўқми — ҳамма гап мана шунда. Бу фикрлар фақатгина гоё ҳолида қоғозда қолиб кетмаслиги, қуруқ гап, қуруқ шior бўлиб қолмаслиги лозим. Уларни амалга ошириш учун бизга жонқуяр, бева-бечорага ачинадиган, ўз ризқини муҳтож кимса билан баҳам қилишга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳаммаша тайёр, мард, фидокор инсонлар керак.

Бундай хусусиятлар эса, ота-боболаримиз таж-

рибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади. Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба-аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламча ва бекиёс макон — бу маҳалладир.

Узоққа бормай, кундалик ҳаётимизга назар ташлайлик. Кўпқаватли уйларида турувчиларнинг аксарияти одатда темир эшиклар ортида яшайди. Эшикка қулф устига қулф уришларини айтмайсики! Бундай жойларда кўни-кўшничлик, яхши кунда шерик, ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ўзига яраша. Оддий йўлакни супуриб-сидириш ҳам сансалорликка олиб келади.

Маҳалла эса бутунлай бошқа бир олам. Маҳаллада эшигга тўртталаб қулф осиб олган кишига одамлар қандай қарайди? Бундай кимса ўз-ўзидан жамоатдан ажраб қолмайди? Ёки кўча эшигининг олди супурилмаган уйга совчи қадам босадими? Демокчиманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, кўни-кўшничларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Уздан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг сахардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танамаслигидан катти назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, кўпчилик ичида яшаш инсондан нафсини тийишни, аτροφдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади. **Аслида инсон эътиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишга интилоғи керак. Чунки, ҳамма қулфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади.** Уни енгишга инсоннинг кучи, иродаси етадими? Бу саволга ҳам жавобни биз маънавиятдан излашимиз керак.

САВОЛ. Сиз бундан уч йил муқаддам 9 май — *Ғалаба байрамини Хотира кунини сифатида нишонлаш ташаббуси билан чиққан эдингиз. Сизнинг тақлифингиз билан бу кун бундан буён Хотира ва қадрлаш кунини деб аталадиган бўлди. Бу ҳаракат жамиятимизни фикрий бўлинишга олиб келмасмикан? Ахир, уруш қатнашчилари орасида ҳамон совет орденларини тақиб, фалон тепалик учун қон тўкканман, деб юрганлар ҳам йўқ эмас-ку?*

ЖАВОБ. Албатта, бундай одамлар бор. Ле-

5

6

кин ишончим комилки, бу одамлар сиз айтгандек, қандайдир номсиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жангоҳда бўлмасин, ўз она юрти, тугилиб ўсган кишлго, муш-типар онаси, суюкли ёри, фарзандларининг қардон сиймоси доимо юрагида, фикру хаёлида турган. Жангу жадал майдонларида Сталин учун ёки қандайдир мавҳум улғу гоё учун эмас, шулар учун жон берган. Яъники, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонини фашизм балосидан химоя қилган. Бу ҳақиқатни мен такрор-такрор айтганман ва у халқимиз томонидан эътироф этилган. Уйлайманки, бу масалада сиз айтган хавотирга ўрин йўқ.

Аслини олганда, маънавият ва тарихий хотира тушунчалари бир-бири билан узвий боглиқдир. Марҳумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш — савоб иш. Шунинг учун ҳам биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.

Бўлгуси Хотира майдонига қадам босадиган одамларнинг кўнгилдан қандай ҳис-туйғулар кечади — билмайман, лекин шу нарсага ишончим комилки, бу ерга келадиган ҳар бир инсон, ёшу қари ватандошимиз иккинчи жаҳон уруши ва кейинги урушларда юртимиздан иштирок этиб қурбон бўлганларнинг кадр-қиммати ҳақида беихтиёр ўйга толади, уларни ёдга олади, хотираси олдида бош эгади, орамизда ҳали ҳаёт юрган содик жангчиларнинг кўпроқ иззат-икром қиладиган бўлади. **Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал зибёртоғ ва тарбия маскани бўлиб қолади.** Бу муқаддас қадам-жо фақат урушда шахид кетганларингиз эмас, балки халқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонини тиккан Қодирий, Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усдор Носир сингари минглаб миллатимиз фидойиларининг хотираси учун ҳам тикланган обида бўлади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб тиловат қилиш, улар хотирасини, арвоқларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир. Уйлайманки, Хотира майдонига қадам қўйган, уни зибёрат қилган ҳар бир инсон хаёлида айна шу олижаноб одатимиз жонланади. Ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, фақат ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илоҳий ва муқаддас ҳолат унинг бутун вужудини қамраб олади. Хотира майдони чинакам муқаддас қадамжого айланиб қолишига ишонаман.

Энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қиладди. Чунки каттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида, бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солган, бир мил-

лат вакиллари бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уругини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор.

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврининг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Майли, эҳтимол уларнинг орасида адашганлари, ўз халқининг миллий манфаатларига қарши борганлари ҳам бўлгандир. Балки ўша одамлар бугун қилмишига пушаймондир, руҳий азоб тортаётгандир. Бу ҳақда ўйлаш, жавоб бериш — аввало, уларнинг ўз виждонига ҳавола. **Қолаверса, дунёда Оллоҳ ҳукми борлигини, у хамиша барқарор эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим.**

Бу гапларни айтишдан мақсад шунки, ҳозирги мураккаб, қалтис паллада эски гина-кудуратларни кўзгаб, тарафма-тараф пароканда бўлиб кетиш халқимиз учун асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. **Миллий гоё миллатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак.** Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган гоё бугунгича гоёдир.

Биз ўтмишимизнинг мана шундай аянчли, фожиали саҳифаларини чуқур таҳлил қилиб, ҳаққоний ҳулоса ва сабоқлар чиқаришимиз керак. Миллий гурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида ҳар кун эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни озод-лигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёсат олиб бордик. Одамларни «сен — коммунист», «сен — диндор» деб гуруҳларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадрижий, эволюцион сиёсат натижаси, унинг манتيкий да-воми ва ривожидир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишимизга баҳо берганда, ўша давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша даврнинг «улкан арбоблари»га ва «моҳир ташкилотчиларига» нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очик акс эттириш керак, деб ўйлайман.

Бу нарса ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўч олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан авваламбор, ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қиладди.

Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, жамиятнинг доимий ҳаракатда келтириб турадиган куч — миллий гоё, миллий манфаатга хизмат қиладиган кадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бой-

тиш, ривожлантириш, халқни, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш — маънавият соҳасидаги энг асосий вазирамиз бўлиши лозим. **Амир Темур бобомизнинг таъбири билан айтганда, халқимиз, миллатимизнинг дардрлари дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.**

САВОЛ: *Мухтарам Президент, бу йил Ўзбекистон халқи ҳаётида сайловлар йили сифатида муҳим босқич бўлади. Сиз бўлгуси сайловлар ва уларнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?*

ЖАВОБ: Аввало, бўлажак сайловлар барчамиз учун катта синов бўлишини айтиб ўтмоқчиман. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса, яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик қилиш, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиш — буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди.

Бундай ҳолатлар доимо бўлган, лекин бугун демократик тамойиллар ва кадриятлар жамоатчилик онгида қарор топаётган, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги учун шароит очиклики бораётган бир пайтда бу масала бўйича шакл қапириш, унга одамларнинг ўз муносабатини ошқора билдириши алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг демократик давлат куриш, фуқаролик жамияти барпо этиш каби олижаноб мақсадларимиз ҳам шунга ундайди. Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиқ отишини истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳуқуқий фуқаролик жамиятида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга эканини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу борадаги қончилигимизни муттасил равишда замон талабига мос ҳолда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Ишончим комилки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асослар демократик сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч қандай монеликсиз рўёбга чиқариши, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода эта олиши учун имконият беради. Бир қарашда бу осонгина кечадиган жараёнга ўхшайди, лекин унинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари борки, бу ҳақда муфассалроқ тўхталиш лозим деб, ўйлайман.

Бизда эркин сайловлар ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган бўлса-да, у хали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмига эга. Демакки, биз жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонунларимизнинг моҳиятига теран кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унутмаслик керакки, бўлгуси сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Кураш қиз-

гин бўлади. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига сингдириш лозим.

Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор, аниқ гоёга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндашув ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор, олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга танқидий кўз билан қараш, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, ваэин мулоҳазалар, пухта ўйланган ҳулосалар билдириши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган гоёларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи **мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни химоя қилишдир.** Бир пайтлар оташин шоиримиз Чўлпон «Юринг дўстлар, халқ ичига бораёйлик!» деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, бўлгуси сайловларда ўз тарафдорларини кўпайтириб, жамиятда етакчи мавқени қўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзларидан сақлаш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлаши керак.

Албатта, бу йилги сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, халқро ташкилотларнинг синчков нигоҳи остида ўтади. Бу сайловларимизнинг ҳолис, ошқора ва демократик руҳда ўтишига кўмаклашад.

Бизнинг мақсадимиз — сайловларни ўз Конституциямиз ва қонунларимиз, шу билан бирга халқро демократик қонун-қоидалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминида ўтказишдир. Умумэтироф этилган халқро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қиладди.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак сайловларни демократия нуқтаи назаридан, келажакимиз нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг халқро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш керак.

7

8

Munavvar siymolar

Шофиркон тумани тарихи билан танишганда кўна дунёнинг бутун кенглиги-ю мураккаблигига, ҳаёт боқийлигига, яна ажабтовур хангомаларга гувоҳ бўласиз. Сиз яшаётган бир парча ер - Ватаннинг бир бўлаги.

донзе қалъаси Шофиркондан ҳам қадимийроқ. Шопур ташрифидан бир неча юз йиллар аввал мавжуд бўлган Вардонзе қалъаси амалдорлар учун оромгоҳ вазифини ўтаган.

Унда Шофирконнинг валии фарзанди Хожа Ориф Моҳитобон ва унинг «Орифнома» асарига кенг ўрин берилган. «Орифнома»дан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа авлиёлаломалар бахраманд бўлганлар.

МОҲИТОБОН НУРИ

хоро поддоси Бухорудот шаҳзодани очик чеҳра билан қаршилаб, ундан ёрдами аямасликка ваъда беради. Бухорудот овчиликни хуш кўрувчи, табиатдан лаззатланувчи Шопурга мамлакатнинг энг сўлим воҳаси - ҳозирги Шофиркон ерларини ҳада этди.

тажрибалари, диний-тававуфий сабоқлари боқий қолган. У кишининг офтобдай мунаввар ва безавол Рухлари тирик, Шофирконда кезиб юрибди. Хожа Орифнинг ирфоний суҳбатлари ҳамон давом этаётир.

«ҲАММА БАРАВАР ТАЪЛИМ ОЛМОҒИ КЕРАК»

Ана шу шюорга амал қилаётган асакалик маорифчилар шаҳардаги 7-боғчада яқинда ногиронлар гуруҳини ташкил этган эдилар.

Салим МУХТОРОВ, Шофиркон тумани ҳокими муовини, журналист

Нью-Йоркнинг Спаниш Харлем мавзесидagi бир мактаб қираришига «Орзуларингизни рўйга чиқар» деган шюр осиб қўйилган. 13 ёшли Эми Дюпез хар тонг шу мактабга келади.

А.Тич шундай дейди: «Бу билан биз айирмачилик қилмоқчи эмасмиз. Умумтаълим тизимда ташлаш имкониятини яратмоқчимиз, холос. Ким аралаш мактабда ўқитиши келса, марҳамат, ўқийверсин, кимки факат қизлар мактабда ўқитиши истаса, унда бизнинг мактабга келсин. Макссадимиз бу қиз-

АҚШДА ҚИЗЛАР МАКТАБИ

лар ҳам катта муваффақиятга эришишин, буюк ишлар қилшин.

асарлари билан тўла. Деворлар Фарида Каҳод манзаралари билан безатилган. Буларнинг бари мутаассибликдан холи, яъни аёлларнинг инсоният тараккиятига қўшган ҳиссаларини холисанаммо эътироф этиш учунгина қилинган.

КЎЗГУДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

DTM tahlili

Газетанинг бугунги саҳифасида Сурхондарё вилоятидан 1998 йилда тест синовларида қатнашган абитуриентлар самарадорлик кўрсаткичларининг натижалари жадваллар кўринишида берилди.

Table with 4 columns: Fanlar, Viloyatning samaradorligi (%), Respublika-dagi urni (%), Respublika buyicha urtach samaradorlik (%). Rows include Uzbek language, literature, mathematics, physics, biology, etc.

Сурхондарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари

Table with 10 columns: №, Туман, шаҳар номи, Abit. soni, Samaradorlik %, Matematika, Fizika, Biologiya, Kimyo, Tarix. Rows list various districts like Termez, Denov, etc.

Сурхондарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари

Table with 16 columns: №, Туман, шаҳар номи, Abit. soni, Samaradorlik %, Matematika, Fizika, Biologiya, Kimyo, Tarix, Geografiya, Ingliz tili, Nemis tili, Fransuz tili. Rows list districts and languages.

Сурхондарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари

Table with 16 columns: №, Туман, шаҳар номи, Abit. soni, Samaradorlik %, Matematika, Fizika, Biologiya, Kimyo, Tarix, Geografiya, Ingliz tili, Nemis tili, Fransuz tili. Rows list districts and languages.

Xorijda ta'lim

верситети профессори Жоан Ханасерининг таъкидлашича, 116 та мактабда олиб борилган кузатишлар таълим олишда яхшироқ натижаларга эришилганини кўрсатган.

Sog'lom avlod uchun OGOҲЛИККА ДАЪВАТ

XX асрнинг энг даҳшатли вабоси шубҳасиз, ОИТС(С-ПИД) бўлди. Дунёнинг мавжуд 197 мамлакатидан 194 тасида бугун ана шу хасталик билан касалланганлар кайд этилган.

Хориж матбуоти асосида Шухрат ЙИГИТЛИЕВ тайёрлади

Н. ОЧИЛОВ

«БОЛАЛИГИМНИ СОҒИНАМАН»

— дейди қамашилик 101 ёшли Гули момо Менгликулова

«Қари билгани пари билмас», «Қариси бор уйнинг—париси бор» каби нақллар халқимизнинг қарияларга нисбатан булган чексиз ҳурматини билдиради. Аслида хексалик ҳам — неъмат. Бу паллага етганлар бор, етмаганлар бор!

«Хаммаҳалламиз Гули момо Менгликулованинг ёшлари юздан ошди. Маҳалламизнинг каттаю кичиги у кишини алоҳида ҳурмат қилишди...» — Қамаш шаҳар, Қорасув маҳалла фуқаролари йигинининг раиси Моили Эптемировдан бу сузларни эшитдингиз, раис бувалдан бизни ана шу хонадонга олиб боришларини сурдик.

«...Олдиғина ўзбек хонадони. Бир томони экин-томорқа, бир томони «огил-отиш» дегандариди. «Келинг, келинг! Хуш келингиз меҳмон!»..»

Биз утирган хонадон меҳмонхонасига юз ёшдан ошган, уша Гули момо кириб келди. Табаррук момомиз билан саломлик учун барчамиз уринларимиздан турдик. Гули момо ҳар биримизнинг «елкаларимизга қоқиб суранилди».

Сухбатимиз қизгандан қизиди. Гули момо 1898 йил Дехқонобод туманининг Тогора қишлоғида таваллуд топган эканлар. Момо айнаи кунда роппа-роса 101 ёшлининг устиди турибдилар. У кишини халл бардам, бирова «огир» тупмайди. Беш вақт намазлари қанда эмас.

Гули момо аянчли утмишнинг жонли туюви. У очликни ҳам, авесиз босқинчиликларни ҳам, турмушнинг турфа дилтириқларини ҳам бошидан утказган, ме-

тин иродали ўзбек аели.

«Эй, айланайин болаларим-ов!» — дейди Гули момо ўз ҳаётини бизларга хикоя қилиб берарканлар. Ҳеч бир бандола муминнинг бошига тупмасин, халқимиз куп овуружиларини бошидан утказди. Турмушта чиққанмидан жил утиб, қоти қохатчилик бошланиб куйди денлар. (Бизингча бу давр 1917-1919 йилларга тугри келади. А.О.) Жейдиган бир нарса жуқ. Бачалар, катталар улиб бошледи. Вой худойим, уй боши улук... Журтда талончилик, бошланиб кетди денлар. Эримни отиб кетишди. Унинг оти Ашурмат эди. Бояқил, бир фарзанд ҳам қурмай улиб кетди. Куп жиллардан сунг, «урис замони»га келиб, мени Чучи буваннинг ули Ашурга турмушта беришди...»

Анчагина оилавий қийинчилик ва етишмовчиликлар Ашур Чучи-евлар оиласини тоғли Дехқонободдан Қамашнинг қуриқ ерларига етказиб келди. Улар шу ерда утқоқ бўлиб қолишди.

Аллоҳ Таоло бу оилага атиги икки нафаргина фарзанд ато этди. Тақдирда битилгани экан, уларнинг ҳам бири, яъни қизлари ёшлитидеқ «терлама» дардига мубтало бўлиб оламдан утди. Авесиз тақдирнинг қисматини қарагил, Гули момонинг умр йулдоши Ашур Чучи-ев ҳам темир йул поезди ҳалокати билан оламдан утди. Ана шу бахтсиз тасодифга ҳам роппа-роса 45 йил тулди. «Бу дунёда топганим, кунимнинг оку-қораси мана шу улум Сунбой бўлди — дейди Гули момо. — Сунбойни жил жаңиланса, хуло хоҳласа 65 жонига қиради».

Гули момонинг айнаи кунда 30 нафардан ошқ неварачеваралари бор. Момо энг яхши қурган нева-

1999 йил — Ayollar yili

раси Баҳодиржоннинг хонадониде яшайпти.

Табаррук онахоннинг айтишларича, бирор марта ҳам духтирининг остонасини ҳатламабдилар. Биз у кишидан қандай овқатланшларни ҳақида сурдик:

— Айланайин, умрим буйи эл жеган тоамларни жиб яшаб келестирман. Замон эндиғина зармон бўлди. Очарчилик жиллариде бир бурдағина нонга зор эдик-ку...»

— Моможон, телевизор қура-сизми? сурдик Гули момолан. — Қузойнак-ку таққанним жуқ. Барибирам бир икки жилдан буен қуларим хиралашгандай, қулоқларим овурашгандай бўлиб қолди. Бачалар телевизорди қуйишса, жоқинига бориб оламан.

Гули момо гурунги яхши қурарканлар. «Утиригилар, айланайин. Ундан-бундан гапириб берингилар» — деа биз билан анча суҳбатлашдилар. Суҳбатимиз ниҳоясиде биз момолан яна бир нарсани сурдик:

— Моможон, узингизча хаёл суриб утирган вақтларингизда купроқ нималарни уйлaysиз?

— Айланайин, мухбир болам! Тувлиб уган қишлоғим тоғларини, қизалоқлик чоғларимда чопиб-чопкиллаб журган қирларимни, кунгирот чечаларимнан жанма-ен кигиз босқанларимди, ҳамма-хаммасини эслаб-утираман... Эй ҳаммасидан болалик жахши. Менам болалик жилларимди соғинаман!..»

Болалик йиллари — ширин дамлар. Бу ҳақда алдосиз битик-лик бор. Унинг инсон ҳаётини муҳри нақадар уммас эканлиғига 101 ёшли Гули момо билан қилган ширин суҳбатимиз жаранеида яна бир бор иқроқ бўлдик.

Абдуоли ОБИДДИН, «Маърифат»нинг махсус мухбири



Тошкент шаҳридаги 287-мактабда ташкил этилган футбол тўғара-ғи кўндан буён мунтазам ишлаб келмоқда. Бу ерда ўқувчилар дарсдан сўнг устозлари М. Ганжиевдан «яшил майдон»да тўп суриш сирларини ўрганишаёлти. Айна пайтда ёш футбол ишқибозлари қулар қизиб кетишини кутиб, спорт залда машқар ўтказишаёлти.

Суратларда: 1. Тўғарак раҳбари М. Ганжиев ишқирларига йўл-йўриқ кўрсатаёлти. 2. 6-синф ўқувчиси О. Жалолов тўп тепиши машқ қилаёлти. 3. 9-синф ўқувчиси О. Усмоновекос тўпни бошда уйнаш машқини бажараяёлти.

Р. АЛБЕКОВ олган суратлар

Xullas...

ЙИРТКИЧДАН «ЕРДАМ» СЎРАБ...

Ўз жонига қасд қилмоқ худдога ширк келтиришди. Аммо, хаётдан безган кишилар ҳар қаврда учраб турар экан.

Нюрнбергда яшовчи бир киши хайвонот боғига йул олди. Тун, атрофда соқинлик. Гоҳо ийрткичларнинг безова бўлиб бўқиришлари ва хайқириқлари эшитилади.

Темир панжарадан бир амаллаб шер қарасига кириб олган одамни тун ярмида қим ҳам сезарди? Йирткич эса неча йиллардан бери тайёр овқатга бақовул, ўз оёғи билан кириб келган «озуқа»га қайрилиб ҳам қарамади. Ялқовлик устун келди, шекилли...

Шер томонидан танасига ҳеч қандай шикаст етказилмаган, аммо на ўлик, на тирик ҳалиги одам қарас ичиде ағанаб ётарди. Эҳтимол, у ўз ниятига етгандир...

БИРИ УНДА, БИРИ БУНДА...

Эр — хотин Жан ва Анна Клеменлар франциялик. Улар купинча рулда, иккисининг ҳам шахсий машинаси бор. Қизиги шундаки, бу жуфтлик бир-биридан баҳабар аллақайларга кетишади.

Парижининг қайсидир худудидан йулга чиққан Жан хотини Анна билан тезроқ учрашиғига ишқилмоқда эди. Худди шу кезде Анна ҳам ўз машинасида эри келётган томонга қараб уча бошлади.

Мобил телефониде бир-бирлари билан гаплашиб келётган Жан ва Анна суҳбатларига нукта қуйиша олмади. Улар шу даражада қизгн суҳбатга тушиб кетганларидан тормозни босиб қола олмади... тўқнашиб кетишди...

Фалокат — да... Шурликларнинг қай бири омон қолди экан?

«СИБИР САРТАРОШИ» РОССИЯ БЎЙЛАБ

Америкаликлар билан ўз фильмларининг қизкарлиғи ҳақиде тортишнинг ҳожати йўқ. Ахир, улар «Титаник»га икки юз миллион долларни сарфлашгач, шов-шув келтириб чиқарадиган фильм юзага келганича ҳамма билади. Уша вақтларда Россия фильмларининг уртача ҳаражати нари боса бир-икки миллионга зўрга етарди.

Яқинда машҳур кинорежиссёр Никита Михалков «Сибир сартароши» деган фильмни суратта олди. Унда рус офицерларининг утган ва ҳозирги асрадаги ҳаёти тасвирланган.

Еш рус офицери ва америкалик қизнинг саргузашта бой севги-лари! Сибир урмонлари, Кремл чироқлари, Россиянинг бошқа тарихий жойлариде олинган кадрлар! Бариси қизкарлиқ, фақуллада ҳолатларга бой.

Унда россиялик ва хориз кино қолдуларидан Олег Меньшиков, Алексей Петренко, Даниэль Ольбрихский, Жулия Ормонд, Ричард Хоррислар суратга тушишган. Фильм «Оскар» мукофоти номзодлиғига қуратилди.

«Сибир сартароши»нинг Москва премьераси 19 февралда намойиш этилмоқчи. Никита Михалков кейинчилик уни бутун Россия бўйлаб томошабиларга ҳавол этиш ниятида.

ana shunaqa gaplar...

Чилонзор туман хокимлиги ижронга маҳкамасининг халқ таълими бўлими тафтиш-назоратчиси А. Тураева отаси Йўлдош ТУРАЕВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

булишди. Жарқургонликлар иккинчи, Узун тумани спортчилари учинчи уринларни эгаллашди.

Мурасосиз беллашувларда жарқургонлик юнон-рум қурашчилари спартакиадада голиб чиқилди. Бойсун ва Қизилқум тумани ўқувчилари иккинчи ва учинчи уринларни олишди.

Бокс мусобақасиде Термиз шаҳри вакиллари биринчи, Бандихон ва Жарқургон тумани спортчилари иккинчи, учинчи уринларни эгаллашди.

Голиб ва совриндорларга Сурхондаре вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят «Ёшлик» кунгили спорт жамияти фахрий ерликлари ва эсдалик совғалари топирилди.

Ф.МИРЗАЕВ

«УЛОҚ» РОССИЯЛИКЛАРДА КЕТДИ. Москва шаҳрида яқунланган футбол бўйича МДХ кубоғи финалида ҳар иккилик яна соқин иттифоқнинг энг кучли икки жамоаси — россияликларнинг «Спартак» ва украинликларнинг «Динамо» жамоалари беллашилди. Фақат омад бу тил «Спартак»чилар томониде бўлди.

МАҲОРАТ-УСТУНЛИГИ. Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳарчасиде таэквондо бўйича «Ўзбекистон кубоғи» мусобақаси якунланди. Мусобақанинг барча тури бўйича биллур соврин Тошкент шаҳар ва вилояти жамоалари аъзоларига насиб этди.

УНВОҢ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ. АҚШ нинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокс бўйича қизкарлиқ учрашув бўлиб ўтди. Унда америкалик Роберт Гарсия пуэрторикалик Моллини енгди, енгил вази бўйича жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди.

ОМАД-КУЛИБ-БОҚҚАНДА. Бир қанча вақтдан бери омад билан арашлашиб қолган дунёнинг кучли теннисчиларидан бири россиялик Евгений Кафельников учун маъсум муваффақиятлик бошланди. У йилнинг дастлабки йирик мусобақаси, «Катта дубулга» сирасига кирувчи Австралия очик чемпионатининг голиби бўлди.

ПУЛИНГ КЎПМИ, МАРҲАМАТ. Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳар футбол федерацияси футболчиларнинг майдондаги қўноқлиғини жазолашнинг ажойиб усулини уйлаб топилди. Энди «сарик» карточка олган ўйинчи 250 реал (220 АҚШ доллари), «қизил» карточка олгани эса 300 реал (260 доллар) «қўруқ»дан ҳам тўлаб қўяди.

Quvnoq startlar «ҚЎНГИРОТ» — ИККИНЧИ ДАВРА ФОЛИБИ. Кунде кеча марказий ҳарбий спорт клубида XVI республика «Қўноқ стартлар» телемусобақасининг иккинчи даври учрашувиде Музаббот туманидаги 14-урта мактабнинг «Қўнғирот» ҳамда Ибозкан туманидаги 14-мактабнинг «Ёшлик» командаси аъзолари майдонга тушишди. Биринчи даври мусобақасиде анча тажриба ортирган ҳар иккала команда спортчилари ҳам астойдил ҳаракат билан голиблик учун қурашдилар. «Фохрийларимиз» деб аталган биринчи дастурда ҳар бир командадан катнашган 5 утил ва 5 қиз югуриши ва тускилардан утишда йул қўйган хатолар ҳисобга олинди, улара 5 балдан берилди. Дастурнинг иккинчи («Арқон тортиш») мусобақасиде сурхондорлик утил болалар голиб чиқилди, 10 балл олишди. Учинчи беллашувда («Хажийи хоккей») дуранг натижа қайд этилди. Туртинчи дастурдаги биттадан қиз (белда халқа айлантириш) уртасидеги мусобақаде ҳар иккала спортчи маҳоратини намойиш этгани учун 3 балдан берилди. Утил болалар уртасидеги танловда («хуроз жанги») «Қўнғирот» командаси вақилин қилиб чиқиб, 5 балл соқини бўлди. «Чаконлиқда беллашув» (бир-бирига туп ошариш) «Ёшлик» командасига 6 балл берилди.

ЯККАЛИК. Яккалик... О, оғир қисмат бу... Тодимо бир саргардон олам. Қўшмаласак тубанларга-ку, Етмаганлик удуғликка ҳам. Яккалик бу йўлдаги одам. Юракда гул очди орзу ниҳоли, Таъма унга тикди аёз қўларин. Бирдан маҳзунлашди гуларнинг ҳоли, Соғуқ уриб қовжирди юзлари. ... Бандидин узилаб тўқиди бари, Шамоллар учириб кетди сар-сари. Холиқназар ХОЛИННОВ

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН. Қадимий афсоналардан бириде янги эрадан аввалги учинчи асрда, Юнонistonнинг Сиракуз шаҳрини римликлар қамал қилиб олганлариде олим Архимеднинг махсус қузуғ ердаида дундан кемаларини ёдлаб иборанлиги хикоя қилинди. Иносоник аждоғларининг ана шу узюк асрлик ниятлари — қули нурдан фойдаланиш орузу ниҳоят йитирманчи асрга келиб амалга ошди. Янги давр электри — лазер пайдо бўлди. Бу воқеа машҳур олим Альберт Эйнштейн номи билан боғлиқдир. Нисбийлик назариясининг муаллифи нур билан молданинг узаро алоқасини урганар экан, шу аснода иккита маълум жарандан ташқари мажбурий нураниши ҳам руй беришини назарий жиҳатдан аниқлашди. Машҳур олимнинг 1916 йилда уртага ташланган бу назарияси 38 йилдан кейингине амалиетда ўз аксини тўпди. Аме-

Bilasizmi? дирландилар. Лазер яратилишита олиб келган жуда катта илмий ишлари учун ҳар иккала олим, америкалик Ч. Таунс билан бирига 1964 йили хелқаро Нобель мукофотида сазовор бўлишлар. Лазернинг турфа хил тур ва типлари бор. Лазер нурида ишлайдиган ҳар хил қурилмаларнинг санаот йули билан ишлаб чиқарилиши натижасиде, улари фан ва техниканинг турли соҳалариде қўллаш анча жалдлашди. Эндилеки Ойнинг еруғлик локацияси тизимидан тортиб, жарроҳлик асбобларига ҳақ жуда куп тармоқларда лазер ишлатилаётгани бежиз эмас. Лазер нури пайвандаш учун ҳам қўл келмоқда. Электрон деталларнинг жанжирлари шунчалик майдаки, уларни купинча микроскопда кузатишга тугри келади. Ҳозир буларни пайвандаш ҳам лазер зиммасита оқлатилган. Ағрим нозик деталлар пайвандаш, том маънода, қилини қирқ еришга қислаш мумкин. А. АЛИЕВ тайёрлади

«СТЕКЛОПЛАСТИК» ОТАЖ (собик спорт қайиқлари заводи) кенг ассортиментда куйидаги юқори сифатли, сертификацияланган стандарт маҳсулотларни чиқаради ва сотади: — Ўқувчилар парталари (комплект) — Бир кишилик кроват — Бир тумбали столи — Тумбочка — Ўқитувчилар столи — Офис мебели — Синф доскаси — Теннис столи — Китоб жавони — Швед нарвони — Кийим-кечак жавони — Кураш гиламлари — Ошхона столи ва табуреткалар (комплект) — Спорт оти — Табуретка — Гимнастика скамейкаси — Ярим юмшоқ стул — Баскетбол калкони — Кушетка

Маҳсулотларимиз намуналари билан Самарқанд товар-хом ашё биржасининг ярмаркасида (Охунбобоев кўчаси, 85-а уй, телефонлар, 33-79-13, 33-71-66), шунингдек, «Стеклопластик» ОТАЖ кўрғазмасиде танишишингиз мумкин. «СТЕКЛОПЛАСТИК» ОТАЖ жойлашган манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Андиқоний қишлоғи тел/факс: /3662/ 31-01-19 Маълумот учун телефонлар: /3662/ 35-50-11, 35-59-14, 32-00-54 /3712/ 45-08-46

QUTLOV Хурматли Мақбуба Азимова! Сизнинг салкам ярим асрдан бўён таълимиғиз такоримлига қўшаётган хиссангиз залворлидир. Қирқдан ортиқ рисола, мақола ва дастурларнинг ўша машаққатли меҳнат натижалари ҳисобланади. Сизни муборак ёшингиз билан табриклаб, эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Шифокор шогирдларингиз

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОВЕВ, Гудеҳра ПАРШИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҚОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиғи учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни қўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. Газетани IBM компьютериде Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Набатчилар: Хулқар ТҮЙМАНОВА, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150, Г-0106. Тиражи 56.495. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босяма табоқ. Офсет усулида босялган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриет матбаа коцнерни босямохонаси. Корхона маънази: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй. Босянша топширини вақти — 20.00. Топширилди — 20.00.

Ma'rifat ТАБСИС-ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик, Ўзбекистон Олий ва урта махсус таълим вазирилик, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Ma'rifat Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОВЕВ, Гудеҳра ПАРШИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҚОШИМОВ